


Тасаввур қияпсизми?!



14:02 / 28 август 746

Мадинада исломнинг ёйилишида ансорийлардан Асъад ибн Зурора розияллоху анхунинг ўрни жуда катта. У биринчи ва иккинчи Ақаба байъатларида иштирок қилган. Мадинага келиб ислом динига даъват қилган. Набий соллаллоху алайҳи васалламни қўллашга, Аллоҳ ва Расули йўлида молу-жонини фидо қилишга аҳд қилган саҳобалардан. Асъад ибн Зурора розияллоху анху ислом элчиси, Мадиналиклар муаллими Мусъаб ибн Умайр розияллоху анхунинг Мадинага келишига сабаб бўлган.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага Қубо орқали келганлар. Қубода у зотни минглаб инсонлар кутиб олишган. Аммо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кишилар орасидан у зот билан одамлар орасидаги ҳалқа бўлмиш Асъадни қидириб шундай деган эдилар:

«Абу Умома Асъад ибн Зурора қани?!»

Бу саволда Асъад ибн Зуроранинг Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётларида аҳамияти нечоғли салмоқли эканлиги намоён бўлади. Ўша пайтдаги Асъаднинг ҳолатини тасаввур қила оласизми?!

Абдулқодир Полвонов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.